



ЯПОНИЯ МАДАНИЙ ҶИНИ “ИРОҶА КАРУТА” ХУСУСИДА

Солеева Мубина Рахматовна

мустақил тадқиқотчи,

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17960460>

Аннотация

Ироҳа карута — Японияда кенг тарқалган маданий Ҷин бўлиб, у алифбо тартибидаги 48 та таваққуфли ибораларни ўз ичига олади. Бу Ҷин орқали иштирокчилар япон адабиёти ва тили билан танишади, шунингдек, эслаш қобилияти ва диққатини ривожлантиришади. Ироҳа карута кўпинча болалар ва катталар ўртасида таълимий ва маърифий мақсадларда Ҷин сифатида ишлатилади. У Япония маданияти ва аниқ тилдик анъаналарни сақлашда муҳим Ҷин тутди.

Калит сўзлар: Ироҳа карута, Япония маданияти, маданий Ҷин, япон алифбоси, таълимий Ҷин, эслаш машқлари, адабий мерос, япон тили, мавзуй карта, анъанавий Ҷинлар

Тил ва маданият ўзаро чуқур боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисалар бўлиб, уларнинг муносабатини ўрганиш қадимдан тилшунослик ва фалсафанинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган. Тил халқнинг дунёқарши ва турмуш тарзини акс эттиради, маданият эса тилда мустақамланади, сақланади ва авлодларга узатилади. Шу боис лингвомаданиятшунослик замонавий филологиянинг марказий бўлимларига айланган бўлиб, тилни маърузадан муҳитдан ажратмаган ҳолда комплекс равишда таҳлил қилади.

Шу нуқтаи назардан Япон халқининг кўп асрлик маданий мероси таркибида ўзига хос Ҷин эгаллаган ироҳа карута маданият Ҷини хусусида тўхталиб ўтсак. *いろはカルタ* ироҳа карута жанри XVII асрнинг ўрталарига келиб шаклланган ва асосан болалар ҳамда ёшлар тарбиясида дидактик Ҷин воситаси сифатида кенг ишлатилган ва Япония бўйлаб тарқалган. Бу карточкали Ҷин тўплами ҳар бир картада биттадан япон халқ мақоли ёки ҳикматли ибора берилган бўлиб, уларнинг барчаси япон тилининг *いろは* ироҳа деб аталувчи фонетик тартибига асосланган. *いろはカルタ* Ироҳа карутадаги ҳар бир мақол япон алифбосидаги ҳарф билан бошланиши кераклиги сабабли, ироҳа карута нафақат семантик, балки морфологик ва





фонетик меъёрларни ҳам ўзида мужассам этган япон маданий ёгорлиги намунаси саналади.¹

“Карута” сўзи португалча *caruta* сўзидан ўзбек тилига кирган. Бу ўйин учун кичик, тўртбурчак шаклдаги карточкалар тайёрланади, уларнинг ҳар бирига расм ёки қўшиқ ёзилган бўлади. Ўйин иштирокчилари бу карточкаларни бир-бирлари билан олади ва олинган карточкалар сонига кўра ғолиб аниқланади. Японияда “карута” асосан Янги йил байрамларида ўйналади. Машҳур турлари орасида “Ироҳа карута” ва “Ҳякунин Исшу” мавжуд.

“Ироҳа карута”даги “Ироҳа” сўзи япон тилидаги барча кана ҳарфларини бир марта ишлатиб яратилган машҳур қўшиқни англатади. Бу қўшиқ милодий 10-аср охири ва 11-аср ўрталарида яратилган деб ҳисобланади, аммо муаллифи номаълум. Барча ҳарфлар фақат ҳирагана билан ёзилади, ёнига эса баъзи қисмлар канжи ёки дакутен (шовқинли ҳарф) билан алмаштирилади.

Қўшиқ мазмуни турлича талқин қилинади, аммо унинг илк манбаи буддист таълимотига оид изоҳ китобларида келтирилганлиги сабабли, одатда буддизмнинг ҳар бир нарса доимий ўзгариш ва ҳаётнинг ўтқинчилиги тамойилларини ифодаловчи деб ҳисобланади. Ушбу қўшиқ болаларга ҳарфларни ўрганишда ёки рақамлаштиришда кенг қўлланилган. Қўшиқ милодий 1000 йил аввалги япон тилига асосланганлиги сабабли, ҳозирги замонда ишлатилмайдиган ҳарфлар (“𐰇” ва “𐰈”) ҳам учрайди; бу ҳарфлар 1946-йилгача мактабларда ишлатилган. Шунингдек, ҳирагана ва катакана ҳарфларида дакутен кенг қўлланила бошлаши 20-аср бошларига тўғри келади.

“Ироҳа карута” қўшиқдаги 47 ҳарфга “京” ҳарфини қўшиб, жами 48 ҳарф асосида ҳар бир ҳарфдан бошланадиган маслаҳат ёки мақол шаклида яратилган. “Карута”га нэга “京” ҳарфи қўшилгани аниқ маълум эмас. “Ироҳа карута” 18-аср охирида Эдо даврида Киотода яратилган ва Осака ҳамда Эдо (ҳозирги Токио)га тарқалган. Ҳозирда ишлатиладиган “Ироҳа карута” асосан Эдо вариантыга тэгишли бўлиб, уни “Эдо Ироҳа Карута” деб аташади.

Ўзбек ва япон мақоллари таққосланадиган тадқиқотга эътибор қаратайлик. Мақол структурасига кўра, улар битта ёки бир нечта синтактик

¹ Shirane, H. “Traditional Japanese Literature.” Columbia University Press, 2012.





бирликларга асосланади. Одатий ҳолда, мақолнинг бир қисми битта синтактик бирликка тўғри келади ва гап таркибида ифодаланади. Чунончи:

1. 三人寄れば文殊の知恵

[Саннин ёреба монжуно чие]

Ўзбекча: Бир бош яхши – икки бош ундан ҳам яхши.²

2. 笑う門には福来る³

[Варау кадо ни ва фуку китару]

Ўзбекча: Табассум – бахт калити.

3. 論より証拠

[Рон ёри шоуко]

Ўзбекча: Минг бор эшитгандан, бир кўрган афзал.

4. 花より団子

[Ҳана ёри данго]

Ўзбекча: Иш боҳона дийдор ғанимат.

可愛い子には旅をさせ。 かわいいこにはたびをさせ。⁴

[Каваи кониwa табио сасе]

Ўзбек тилига –“ширин болани сайоҳатга юборган маъқул” деб сўзма-сўз таржима қилинади.

Бироқ ўзбекча муқобил вариант сифатида “бола азиз- тарбияси ундан азиз” мақолини келтирамиз.

Шуни кўриш мумкинки, ўзбек мақолларида баъзан коммуникация матнида тўрт компонентдан иборат мақоллар учрайди, бу эса япон мақолларида кам учрайди.

Масалан:

Замон сени ўқитар,

Таёқ билан сўқитар.

Сабоғингни билмасанг,

Дўконда бўз тўқитар⁵

Мақол шаклида улар прозали ва поэтик тузилишга эга. Поэтика жиҳатидан, улар маълум ритм, оҳанг ва қофияга эга бўлади:

² みんなの日本語II. Tarjima va gramatik tahlil Toshkent: 2007. 176 b.

³ [https://www.uz.emb-japan.go.jp/itprtop_uz/index.html]

⁴ Сыромятников Н.А. Классический японский язык/ Сыромятников Н. А. Издание второе- М.: “Восточная литература”РАН, 2002.-152 с.

⁵ <https://maqollar.uz/page/227>





Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдиарар.
Тўртовлон тугал бўлса,
Тепадагин эндиарар⁶

Мақоллар бошқа халқ бадий жанрларидан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд: улар кўпинча поэтик шаклда бўлган донолик сўзлари ва чуқур маънога эга халқ мақоллари бўлиб, қисқалик, етуклик ва мукамаллик жиҳатидан бошқа халқ оғзаки ижодининг жанрларидан ажралиб туради.

Шу икки хусусият орқали мақоллар кичик ҳажмига қарамай, ундаги воқеалар орқали дунё ва ҳаёт тажрибасини катта эпик ҳикоя таркибига жойлаштириши мумкинлиги аниқланади. Яъни, мақол мазмунида ҳақиқат воқеаларни киритиш орқали катта миқдордаги асарлар яратилади. Баъзи халқ эртаклари, масаллар, ҳазиллар ва топишмоқлар мақолларга яқин бўлиб, уларнинг ҳажми, формал хусусиятлари ва ҳақиқатни акс эттириш шакли бўйича мақолларга ўхшашликлар кўп. Шу сабабли, халқ мақолларини ўрганишда уларнинг шакли ва мазмуни муҳим идентификация омиллари ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (РЕФЕРЕНСЕС)

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т.: Ўқитувчи, 1990. – 303 б.
2. Сыромятников Н. А., Классический японский язык/ Н. А. Сыромятников Издание второе-“ Восточная литература” РАН, М, 2002.-152 с.
3. Аникин В.П. Мудрость народов // Пословицы и поговорки народов востока. – М.: Наука, 1961. – 76 с.
4. Ширане, Х. “Традиционал Жапанесе Литературе.” Колумбия Университет Пресс, 2012.
5. Лотман, Ю. М. “Султуре анд Эхплосион”. Берлин: Моутон де Груйтер, 1990.
6. Караматова К.М., Караматов Х. С. Proverbs – мақоллар – Пословице. Т: Меҳнат,- 2000. Б 400.
7. みんなの日本語 И И. Таржима ва граматик таҳлил Тошкент: 2007. 176 б.
8. ミニことわざ辞典— 研究者 (кобу мOKENKYUША). 1993.-152 б.
9. [ҳттпс://www.уз.емб-жапан.го.жп/итпртоп_уз/индекс.ҳтмл]

⁶ Караматова К.М., Караматов Х. С. Proverbs – мақоллар – Пословице. Т: Меҳнат,- 2000. Б5.





10. [Теория перевода японского языка[ДОС]- Все для студента (твирпх.ком)].
11. Абоут Жапанесе Провербс (асахи-нет.ор.жп)
12. <https://maqollar.uz/page/227>

